
Юзия маҳалласининг ички йўлларида асфальтлаштириш ишлари амалга оширилмоқда

Юзия маҳалла фуқаролар йиғинидаги Фурур кўчаси 640 метр, Тараққиёт кўчаси 750 метр, Олмазор кўчаси 1 км, Рамазон кўчаси 1.5 км ички йўллари асфальтлаштирилмоқда

Аввал ҳабар берганимиздек Қува тумани 1-сектор ҳудудидаги Юзия маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли мурожаатларини ўрганиш, маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида сектор ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ҳатлов жараёнида аниқланган муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига асосан ҳудуддаги 10,5 км ички йўллارни асфальтлаштириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинидаги Фурур, Тараққиёт, Олмазор, Рамазон кўчаларининг жами 3.9 км ички йўлларини асфальтлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳудудда ободонлаштириш ва қурилиш ишлари давом этмоқда.

2023-08-16 08:59:03